# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • www.xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2018 йил 17 ноябрь, № 238 (7196) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга ташрифининг иккинчи куни Шимоли-Ғарбий ҳарбий округга қарашли Нукус гарнизонида бўлди. Бу ерда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижроси билан танишди, ҳарбийлар билан мулоқот қилди.

Миллий армиямиз жанговар қудратини ошириш, ҳарбий хизматчиларга муносиб шароитлар яратиш доимий эътиборда. Кейинги йилларда бу борадаги ислоҳотлар янги босқичда давом эттирилмоқда.

Хусусан, ҳарбий салоҳиятни ошириш мақсадида қўшинларни замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа билан таъминлаш янги босқичга кўтарилди. Назарий билимларни амалиётда синовдан ўтказишга эътибор кучайтирилди. Жорий йилнинг ўзида дала полигонларида жанговар ҳолатларга яқин шароитда амалий машғулот ўтказиш сезиларли даражада ошди. Бу ҳарбий хизматчиларнинг психологик ва руҳий тайёргарлигини мустаҳкамлаш, миллий армиямиз салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нукус гарнизони ҳудудидаги ҳарбий қисм ётоқхонаси, ўқув корпуслари, ҳарбий савдо мажмуаси, ошхона, шунингдек, ҳарбий шаҳарчадаги боғча, мактаб ва яшаш уйлари таъмирланди. Кичик ўқув полигони ва чавандозлик тайёргарлиги майдони капитал реконструкция қилинди. Теннис, футбол, волейбол майдончаси янгидан қурилди.

Капитал реконструкция қилинган ўқув корпусининг бирида муддатли ҳарбий хизматчилар компьютер саводхонлиги, тадбиркорлик курслари, хорижий тиллар, математика ва физика бўйича машғулотларда қатнашади.

Қисқача айтганда, бу ерда муддатли ҳарбий хизматчилар келажакда ўзлари учун зарур билимга эга бўлади.

Иккинчи ўқув корпусида мерганлик, артиллерия, ҳаво ҳужумидан мудофаа, ҳарбий топография, ҳарбий тактик махсус тайёргарлик ва алоқа бўйича назарий билимини оширади. Бундан ташқари, бой китоб фондига эга ва замонавий ахборот воситалари билан таъминланган кутубхона аскарлар хизматида. Бу ерда ҳарбий хизматчилар видеомулоқот орқали таниқли шоир-ёзувчилар билан суҳбатлашиш имкониятига эга.

Президентимиз ўқув корпусларида турли мутахассисликлар бўйича ўтказилаётган машғулотлар жараёнини кузатди.

Ҳарбийларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиши учун барча шароитлар яратаяпмиз. Шунинг учун сизлар вақтингизни беҳуда ўтказмай, китоб ўқишингиз, чуқур билим олишингиз, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни пухта ўрганиб, ёшларга ўрнак бўлишингиз керак. Чунки ёшлар бизнинг таянчимиз, умидимиз, деди Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.

Учрашувда ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, бунинг учун жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрининг "Қумбуз овул" маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган кўп қаватли уйлар ва уларнинг биринчи қаватида жойлашган нодавлат мактабгача таълим муассасаси ҳамда оилавий поликлиника билан танишди.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига аввалги ташрифи чоғида Нукус шаҳрида ижтимоий объектлар, уй-жойлар қурилиши лойиҳалари билан танишиб, болалар боғчаси, оилавий поликлиникани кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида жойлаштириш бўйича тавсиялар берган эди. Шаҳарнинг Абдамбетов кўчасида ана шундай лойиҳадаги 5 қаватли 10 та арзон уй қурилди. Ушбу уйлардан иккитасининг биринчи қаватида "Навше" нодавлат мактабгача таълим муассасаси ва оилавий поликлиника ташкил этилди.

Давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилган "Навше" нодавлат мактабгача таълим муассасаси 50 ўринга мўлжалланган. Муассаса болалар онгини ўстиришга кўмаклашувчи турли ўйинчоқлар, методик қўлланмалар билан таъминланган. Инглиз тили, рус тили, шахмат-шашка тўгараклари ташкил этилган.

Президентимиз мактабгача таълим муассасасидаги шароитларни кўздан кечирди. Боғчалар кўп қаватли уйнинг шундоқ ўзида жойлашгани одамларга фарзанди кўзи олдида, хотиржам бўлишини, бундан мақсад, аввало, аҳолига қулайлик яратиш эканини алоҳида таъкидлади.

8-оилавий поликлиника аввал Нукус шаҳрининг 26-кичик туманидаги мослаштирилмаган бинода жойлашган бўлиб, шароити оғир, тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли имконият йўқ эди. Аҳоли тор доирадаги мутахассисларга кўриниш учун кўп тармоқли поликлиникаларга боришга мажбур эди.

10-уйнинг биринчи қаватида барпо этилган 8-оилавий поликлиника ҳудуддаги 8 та маҳалланинг 46 минг аҳолисига хизмат кўрсатади. 250 қатновга мўлжалланган муассасада сифатли тиббий хизмат учун барча шароит яратилган, рақамли рентген аппарати, УТТ, ЭКГ, биокимё анализатори каби зарур тиббий анжомлар билан жиҳозланган.

Поликлиниканинг ўзида ижтимоий дорихона мавжуд. У 500 дан ортиқ, жумладан, 55 турдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармонлар билан таъминланган. Дорилар ўзгармайдиган нархларда, арзон сотилади. Муассасада мижозларнинг шифокор қабулига электрон навбатга ёзилиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Одамлар уйда ўтириб, онлайн тарзда навбатга ёзилиши ва белгиланган вақтда шифокор қабулига келиши мумкин.

Президентимиз шифокорлар билан суҳбатда тиббиётга муносабат ўзгарганини, соҳа вакиллари патронаж хизматини манзилли йўлга қўйиши кераклигини таъкидлади.

Оролбўйида экологик вазият оғир. Биз Қорақалпоғистонни тиббий хизмат кўрсатиш бўйича намунага айлантирмоқчимиз. Бизнинг ишимиздан, аввало, одамлар рози бўлиши керак. Қачон рози бўлади? Соғлиғи мустаҳкам бўлса! Шунда кайфияти яхши бўлади, умри узаяди. Энди ҳисобот, статистика билан эмас, одамларнинг кайфияти билан яшаш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Абдамбетов кўчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, "Nukus city" шаҳарчаси қурилиши лойиҳаси билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши аъзолари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари иштирок этган видеоселектор йиғилишини шаҳар ва туманларда кенг жамоатчилик вакиллари кузатиб борди.

Инвестиция муҳити яхшилангани, зарур шарт-шароитлар яратилгани натижасида кейинги икки йилда Қорақалпоғистон ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатнинг улуши 36 фоиздан 41 фоизга ошгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари кўпроқ иш ўринлари яратиш, бунинг учун янги корхоналар ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтаришни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, буни амалга ошириш учун бизга, энг аввало, янги авлод кадрлари керак. Ана шундай юксак салоҳиятли кадрларни тарбиялаш мақсадида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида биттадан янги типдаги мактаблар — Президент мактабларини ташкил этишни режалаштирганмиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бу ишни Қорақалпоғистондан, Нукус шаҳридан бошлашни таклиф қилди. Таклифни барча қизғин қўллаб-қувватлади. Президентимиз соҳа мутасаддиларига тегишли топшириқлар берди.

Келаси йили Қорақапоғистонда 2 минг 400 ўринли 7 та мактаб қурилиши, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги ишлар изчил давом эттирилиши қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус халқаро аэропортида нуронийлар, зиёлилар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди. Очиқ ва самимий мулоқотда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатидаги ислоҳотлар, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Йиғилганлар ҳамма жойда ва барча соҳаларда ўзгаришлар бўлаётгани, буни одамлар ўз ҳаёти, маҳалласи, тумани мисолида ҳис қилаётганини таъкидлади.

Шу билан Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь куни Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари Қирғизистон Президентини туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этиб, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги муваффақиятлар тилади.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик ришталари, кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашда кейинги йилларда барқарор ижобий тенденция кузатилаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Икки томонлама кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришда Президент Сооронбай Жээнбековнинг ўтган йил декабрь ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи муҳим воқеа бўлди. Унинг якунида амалий шерикликни кенгайтириш бўйича салмоқли келишув ва битимларга эришилди.

Мулоқотда шерикликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат, энергетика, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперацияни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Томонлар ҳудудлараро ҳамкорликда мавжуд катта салоҳиятни тўлиқ рўёбга чиқариш лозимлигини таъкидладилар.

Мамлакатларимиз чегараолди ҳудудлари ўртасида мунтазам ўтказилаётган қўшма тадбирларнинг самарали натижалари катта мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил март ойида Фарғонада Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарадош вилоятлари раҳбарлари кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашди. Ўтган ойда мамлакатимизда Қирғизистон Республикаси маданияти ва санъати кунлари муваффақиятли ўтказилди. Ўзбекистонда буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қирғизистон Президенти давлатимиз раҳбарига самимий табрик ва тилаклар учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари қардош Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларининг фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

**ЎзА.**

Ҳамкорлик

## Ўзбекистон — Қозоғистон: МУЛОҚОТЛАР ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА АСОС БЎЛМОҚДА

*Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётгани туфайли иқтисодий алоқалар кўлами ҳам кенгаймоқда. Бу икки давлат ишбилармонларининг янги ташаббусларини юзага чиқаришда қўл келаётир. Айниқса, жорий йилнинг Қозоғистонда "Ўзбекистон йили" деб эълон қилиниши ҳамкорликни ҳар жиҳатдан юқори чўққига олиб чиқди.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил март ойида Қозоғистонда Ўзбекистон йили очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу икки давлатнинг кўп йиллик самарали ҳамкорлиги тарихида ноёб воқеа, халқларимиз ўртасидаги ҳақиқий қардошлик муносабатларининг ёрқин ифодаси эканлигини таъкидлади.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми **2 миллиард** АҚШ долларини ташкил қилди. Мазкур кўрсаткични йил охиригача **3 миллиард** АҚШ долларига, 2020 йилда эса **5 миллиардга** етказиш мўлжалланган.

Чимкент шаҳрида ташкил этилган Қозоғистон ва Ўзбекистон биринчи минтақалараро ҳамкорлик форуми ҳам ҳар икки давлат ишбилармонларининг ўзаро муносабатларини кучайтириш, ҳудудлар ривожига катта ҳисса қўшиш нуқтаи назаридан муҳим тадбир ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Чимкент Қозоғистоннинг иқтисодиёти ва саноати тараққий этган йирик марказларидан биридир. Шаҳарда рангли металлургия, машинасозлик, кимё, нефтни қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат саноати ривож топган. Аҳоли сони ҳам юқори. Мана шу омилларнинг ўзиёқ шаҳарда бизнес юритиш учун қулай муҳит мавжудлигидан далолатдир.

➡2

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

## ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЮКСАК МАҚСАДЛАР САРИ БИРЛАШТИРГАН МУҚАДДАС ТИМСОЛ

*Ўғлон давлатимиз тимсоли бўлмиш байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси, ота-боболаримиз хоки ётган қутлуғ заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилмоқда...*

Пойтахтимизда барпо этилган "Ватанга қасамёд" бадиий мажмуасини зиёрат қилганлар ушбу манзарани эътиборсиз, ҳиссиз кузата олмайди. Муқаддас байроқнинг инсонга берадиган чексиз маънавий қувватини қалбидан ўтказади. Давлат туғининг ватанпарварлик ҳисси билан бирга озодлик, бурч, садоқат, ор-номус каби улуғ тушунчаларни ҳам ифодалашини туяди.

➡3

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

## АЙРИМ ЙЎНАЛИШЛАР УЧУН МАБЛАҒЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталари ҳамкорлигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.*

Унда депутатлар томонидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар, мутахассислар ҳамда журналистлар иштирокида Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил тўққиз ойлик ижроси ҳамда келгуси йилга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Давлат бюджетида мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофазалаш йўналишида амалга оширилиши кўзда тутилган ишларга ажратилган маблағларнинг самарали ўзлаштирилиши масаласи муҳокамалар марказида бўлди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун Давлат бюджетидан 254,7 млрд. сўм сарфланган.

➡2

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



# АЙРИМ ЙЎНАЛИШЛАР УЧУН МАБЛАҒЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

1 ➡

2019 йилги Давлат бюджети лойиҳасида табиатни муҳофаза қилиш ишларига 215,0 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган. Шу жумладан, "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхоналари орқали 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, йўқ қилиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш дастурини амалга ошириш учун 163,4 млрд. сўм йўналтирилиши белгиланган. Ветеринария хизматларини молиялаштириш ва эпизоотик хавфсизликни таъминлаш учун бюджет харажатлари жорий йилдагига нисбатан 2 баравар ошиб, 97,0 млрд. сўмни ташкил этади.

Йиғилишда, шунингдек, саноатни ривожлантириш, қурилиш соҳасига ажратилган маблағларнинг сарфланиши ҳолатига ҳам эътибор қаратилди. Таъкидлаб ўтилганидек, қўшимча қиймат солиғидан асосий ўсиш суръатлари нефть ва газ, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда автомобиль саноатига тўғри келмоқда. Акциз солиғидан ўсиш суръати эса, табиий газ реализацияси ва автомобиль саноати тармоқларида энг юқори кўрсаткични ташкил қиляпти.

Депутатларнинг фикрича, кейинги икки йил давомида валюта ва нарх сиёсатининг эркинлашуви, қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг тартибга солиниши бюджет даромадлари кўпайишига ижобий таъсир кўрсатди. Айни чоғда улар келгуси йил Бюджетномаси лойиҳасида бюджет даромадлари изчил ошиши, солиқ тизимида жорий этиладиган тарихий ўзгаришлар натижасида аҳоли ва бизнесга катта енгилликлар яратилиши назарда тутилаётганига эътибор қаратдилар.

Йиғилишда депутатлар томонидан қатор таклифлар билдирилди. Хусусан, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси томонидан битум маҳсулотларининг ўз вақтида, етарли ҳажмларда етказиб бериш бўйича чора-тадбирларни рўёбга чиқариш ҳамда ички йўлларни жорий ва мукаммал таъмирлаш ишларига қаратилган маблағлар кўламини кенгайтириш, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда ошкора ва шаффоф механизмларни қўллаш тавсия этилди.

Якунда муҳокамалар давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар инобатга олинган ҳолда тегишли қарор қабул қилинди.

# ҚОНУН ИЖРОСИНИ ПАЙСАЛГА СОЛАЁТГАН ТАШКИЛОТЛАРДАН ВАЗИРЛИКЛАРГАЧА...

*"Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2019 йилнинг 10 январидан кучга киради.*

*Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси мажлисида мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида махсус қабулхоналар қурилиши ва ўз вақтида ишга туширилишининг ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама этилди.*

Қўмита томонидан олиб борилган ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунга қадар маъмурий қамоққа олинган шахслар Тошкент шаҳри, Тошкент, Наманган вилоятларида биттадан ва Самарқанд вилоятларида умумий сиғими 268 кишидан иборат 5 та махсус қабулхоналарда, махсус қабулхоналар бўлмаган ҳудудларда эса — вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг маъмурий камераларида (махсус ажратилган 380 кишилик сиғимга эга бўлган 95 та камерада) сақланиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майдаги "Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва бошқа ҳужжатларда мазкур Қонун ижроси бўйича мутасадди идораларга аниқ вазифалар юклатилган бўлса-да, айрим ташкилотлар буларни амалга оширишни пайсалга солмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан янгидан бошланувчи лойиҳалар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва келишиш ишлари кечиктирилиши натижасида махсус қабулхоналар биноларини қуриш ишлари якунига етказилмаган. Шу кунга қадар махсус қабулхоналарни қуриш ишлари Наманган вилоятида 80, Фарғона вилоятида 70, Андижон вилоятида 50, Жиззах вилоятида 40, Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида 30, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида 25, Навоий вилоятида 15, Тошкент вилоятида эса 10 фоизга бажарилган холос.

Мажлисда таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг чора-тадбирлар режасига асосан, мазкур Қонунни амалга ошириш бўйича 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши белгиланган. Ушбу режа асосида Ички ишлар вазирлиги томонидан 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқланган ва ижрога қаратилган бўлса-да, режанинг тегишли бандларида белгиланган маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлашнинг санитария қоидалари, нормалари, гигиена нормативларини тасдиқлаш тўғрисида ва бошқа ҳужжатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилмаган.

Бундан ташқари, ҳозирги кунга қадар республикамизнинг барча минтақаларида махсус қабулхоналарни қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса-да, ушбу муассасаларда хизмат олиб борадиган ходимлар штат бирликларини тасдиқлаш ва белгиланган тартибда жамлаш масаласи очиқ қолмоқда.

Мажлисда ўрганишлар жараёнида аниқланган шу каби камчиликлар атрофлича муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Стратегик режалаштириш:
# ЎЗБЕКИСТОН ВА БУЮК БРИТАНИЯ ТАЖРИБАСИ

*Тошкентда "Парламент ва унинг тадқиқот хизмати фаолиятида стратегик режалаштириш: Ўзбекистон ва Буюк Британия тажрибаси" мавзуида халқаро илмий-амалий семинар ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан Вестминстер демократия фонди ҳамда Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.*

**Семинар**

Маълумки, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга олдиндан тайёргарлик кўриш, таҳдидларни прогноз қилиш уларни бартараф этишнинг асосий омили саналади. Бинобарин, давлат ҳокимияти тузилмалари, бизнес субъектлари ҳозирги ва истиқболдаги мақсадларни белгилаб олишда стратегик режалаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу Ўзбекистон парламенти учун ҳам муҳим. Айниқса, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга оширишда долзарб ҳисобланади.

— Парламент аъзолари, қўмиталар янги ғояларни яратиш ҳамда илгари суришда ахборот кўмаги ҳамда тўғри статистик маълумотларга эҳтиёж сезади, — дейди Шимолий Ирландия ассамблеяси ахборот-тадқиқот хизмати катта илмий ходими Дэниэл Холл. — Кўп ҳолларда айнан холис ахборот, чуқур таҳлилга асосланган ҳисоботлар, салмоқли маълумотлар базаси долзарб муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш омилига айланади. Биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ходимлар билим ва кўникмаларини ошириш, тажриба алмашиш каби йўналишларда ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз. Албатта, бизда ижтимоий-сиёсий мезонлар турлича. Бироқ стратегияни шакллантиришда умумий жиҳатларимиз ҳам бор. Жараённинг ўзини ташкил этиш, олинган натижаларни мониторинг қилиш ҳамда кўриб чиқиш шулар сирасидандир. Қайд этиш жоизки, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти яқинда тузилганига қарамай, унинг ходимлари мазкур йўналишда сезиларли ўсишга эришганини кўряпмиз.

Буюк британиялик экспертлар семинар доирасида замонавий давлат бошқаруви ва парламент фаолиятини стратегик режалаштириш, тадқиқот институтларининг стратегик ҳамда бизнес режаларини тузиш, бунда хорижнинг илғор тажрибаси ва миллий амалиётни ҳисобга олиш масалаларига алоҳида урғу беришди. Якунда иштирокчилар миллий парламент ҳамда унинг тадқиқот хизмати фаолиятида стратегик режалаштиришни қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишди.

— Айни пайтда истиқболли режаларни тайёрлашда жамият манфаатлари, фуқароларнинг асосий талаблари ҳал қилувчи роль ўйнамоқда, — дейди Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти стратегия ва менежмент бўлими катта илмий ходими Дмитрий Раҳмонов. — Жойлардаги реал ҳолатни ўрганиш натижалари умумлаштириляпти, таҳлил қилиниб, шулар асосида "йўл хариталари" ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурлари яратилаётир. Ҳозирги вақтда институтимиз 2030 йилгача бўлган давр учун мамлакат стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этмоқда. Бу борада қатор давлатлар, жумладан, Буюк Британия тажрибасига ҳам алоҳида аҳамият қаратяпмиз.

**С. МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Ўзбекистон — Қозоғистон:
# МУЛОҚОТЛАР ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА АСОС БЎЛМОҚДА

1 ➡

Форумнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Мамин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Раматов ва бошқалар қайд этганидек, икки дўст ҳамда қардош халқлар ўртасидаги муносабатлар ҳар жабҳада кенг қулоч ёймоқда. Буни жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошгани, мазкур кўрсаткични йил охиригача 3 миллиард долларга, 2020 йилда эса 5 миллиард долларга етказиш мўлжалланаётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Форум илк маротаба ташкил этилганига қарамасдан, унга қизиқиш юқори бўлди. Мамлакатимиз турли вазирлик ва идораларидан, ишбилармон доира ҳамда компанияларидан 200 га яқин вакиллар қатнашгани фикримиз тасдиғидир. Унинг доирасидаги асосий тадбирлар — Қозоғистон — Ўзбекистон бизнес форуми ишбилармонлар кенгашининг иккинчи мажлиси, туризмга бағишланган йиғилиш, саноат, транспорт-логистика ҳамда агросаноат мажмуи соҳасига оид учрашувларда мазкур йўналишларда фикр-мулоҳазалар айтилиб, аниқ таклифлар билдирилди.

Форум якуни бўйича Буюк Ипак йўли мамлакатлари бўйлаб виза тизимини тан олишга доир имзоланган битим Қозоғистонга келган сайёҳларнинг Ўзбекистонга, Ўзбекистонга ташриф буюрган туристларнинг эса Қозоғистонга эркин бориб-келишларига имконият яратиши билан аҳамиятлидир. Келгусида Қирғизистон ва Тожикистон томонлари ҳам мазкур тизимга қўшилишлари мумкин.

Шунингдек, "KTZ Express" акциядорлик жамияти ҳамда "Ўзавтотранстехника" илмий-ишлаб чиқариш маркази қўшма корхона ташкил этиш юзасидан келишувга эришди. "КазТрансГаз" ва "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамиятлари эса табиий газни Ўзбекистон ҳудуди орқали етказиб беришга келишиб олдилар. Бундан ташқари, икки республика ҳудудлари ўртасида ўзаро ишбилармонликни ривожлантиришга қаратилган бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланди.



Темур МАМАДАМИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

## СЎЗ — ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Тимур ДУЙСЕНГАЛИЕВ,**
**"Kazakh Tourism" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари:**

— Мамлакатлар ўртасида сайёҳлик қанчалик оммалашса, бу борада ҳамкорликда иш юритилса, иқтисодиёт учун шунчалик фойдали. Бу жиҳат Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ва Қозоғистон учун, айниқса, жуда муҳим. Шу боис биз тадбирда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон бўйлаб янги трансмиллий сайёҳлик лойиҳасини тақдим қилдик.

**Ислом ЖАСИМОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари:**

— Чиндан ҳам, кенгашимизнинг навбатдаги йиғилиши томонлар учун бирдек самарали бўлди. Икки давлат иштирокчиларига ҳукуматлар томонидан иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил ахборот берилди. Бунда тўқимачилик, қурилиш материаллари, пойабзал ишлаб чиқариш, сайёҳлик, мева-сабзавотларни қайта ишлаш тармоқлари, хусусан, ушбу давлатга чегарадош Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг инвестициявий жозибадорлиги тақдимотлари ўтказилди.

Тошкент шаҳрида ва Оқмола вилоятида савдо уйларини ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилди. Бу, албатта, тадбиркорларни янада яқинлаштиришга, савдо масалаларини ҳеч қандай қийинчиликсиз амалга оширишда қўл келади.

Шу билан бирга, иккала давлат Савдо-саноат палаталари Ҳамкорлик кенгашини тузиш ва айни пайтда олдимизда турган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ фикрлар билдирилди.

**Галимжон ШАЛАТАЕВ,**
**"Павлодар маҳсулотлари" савдо уйи бошқаруви раиси:**

— Бизнинг Павлодар вилоятимиз ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда етакчилардан саналади. 2018 йил ҳосилидан Ўзбекистонга 37 минг тоннадан зиёд ғалла, 1,7 минг тонна кунгабоқар, қарийб 750 тонна ун, 2,5 минг тонна картошка етказиб бердик. Мазкур форум бу борадаги ишларимизни кенгайтириши, шубҳасиз.

Ҳамкорликда рўёбга чиқариладиган лойиҳалар нафақат шу жиҳатларни тўлдириш, балки қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли ҳаёт даражаси яхшиланишига хизмат қилади. Бизнес форуми айнан шу мақсадда ўтказилганини, унинг таклифларга бой бўлганини алоҳида айтиш жоиз.

**Аваз ҲОЖИЕВ,**
**Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари:**

— Қозоғистоннинг "Ново ПЭК" компанияси билан бир неча йиллардан буён ишлаб келамиз. Форум сабаб улар билан яна бир бор учрашиб, қиймати 8 миллион долларлик иккита лойиҳа юзасидан шартнома имзоладик. Унга кўра, вилоятимиздаги эркин иқтисодий зонада кальций-карбонат ҳамда полипропилендан қоп ишлаб чиқарувчи корхоналарга асос солинади. Янги қувватлар 2019-2020 йиллар давомида фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, компания мутахассислари билан ҳар икки томонда савдо уйлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий ишлар ҳам олиб боряпмиз. "Учтов-Гулистон" номли ушбу савдо уйлари орқали биз ун ва ун маҳсулотларини импорт қиламиз, улар эса биздан саноат маҳсулотлари сотиб олишади. Қисқаси, режаларимиз, келишувларимиз кўп. Энди навбат — ижрога.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» махсус мухбири.**

Тошкент — Чимкент — Тошкент

## Паррандачилик:
# ҚАЧОН ЭКСПОРТДА ПЕШҚАДАМ МАМЛАКАТЛАР САФИГА ҚЎШИЛАМИЗ?

*Маълумотларга кўра, парранда гўшти истеъмол қилиниши жиҳатидан дунёда иккинчи ўринда туради. Унга бўлган талаб эса тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда жаҳонда йилига 1 триллион донадан ортиқ тухум ишлаб чиқарилаётган бўлса, унинг 40 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келяпти. Ваҳолонки, ўтган асрнинг 90-йилларида ҳам хитойликлар соҳада етакчи эмас эди. Бироқ кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар ушбу мамлакатни паррандачиликда биринчи рақамли экспортчи давлатга айлантирди. Демак, ҳаракат қилинса, эришиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ.*

Президентимизнинг "Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Ўзбекистонни ҳам бу соҳада пешқадам мамлакатлар сафига олиб чиқади. Зеро, ҳужжат тармоқдаги мавжуд камчиликларни тўлиқ бартараф этиш билан бирга, унга янги инновацион ғоялар ва замонавий илғор технологияларни татбиқ этишга қаратилган.




Очиғи, кейинги йилларда тармоқда анчагина ишлар қилинди, паррандачилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар сафи кенгайди. Натижада парранда маҳсулотлари кўпайиб, қўшимча иш ўринлари яратилди. Бироқ қўлга киритилган ютуқлар ҳали денгиздан бир томчи холос. Ҳали бу йўналишда фойдаланилмаган имкониятлар бисёр. Улар нималарда акс этмоқда?

— Мазкур йўналишда фақат товуқ эмас, балки бошқа парранда турлари, хусусан, бедана, курка, ғоз, ўрдак, каклик кабиларни етиштиришни ҳам ривожлантириш керак, — дейди "Паррандасаноат" уюшмаси раиси Яшин Абдураззоқов. — Қолаверса, етиштирилаётган маҳсулотлар чуқур қайта ишланмаяпти. Яна бир оғриқли нуқта шуки, импорт ўрнини босувчи озуқа маҳсулотларни маҳаллий шароитда етиштиришга эътибор суст. Экспорт географиясини ҳам кенгайтириш керак. Бу борада тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш масалалари ҳам талаб даражасида эмас.



Шулардан келиб чиқиб, қарорда бир нечта устувор йўналишлар белгиланган. Мисол учун, 2019 йилда аҳолини етарли миқдорда парранда маҳсулотлари билан ҳамёнбоп нархларда таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида парранда сонини 80,78 миллион бошга, тухумни 7,48 миллиардга, парранда гўшти ишлаб чиқаришни 191,4 минг тоннага етказиш кўзда тутилган.

Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деганларидек, ҳозирданоқ емишнинг ташвишини қилиш зарур. Хомаки ҳисоб-китобларга кўра, 2019 йилда озуқа учун камида 593 минг тонна буғдой зарур бўларкан. Жорий йилдаги эҳтиёж 515 мингдан сал зиёдроқни ташкил этди. Бундан ташқари, маккажўхори, соя, кунгабоқар кунжараси ва бошқа витаминлар бор. Демак, ҳаммасини етиштириш учун ер ва экин майдонлари ҳам керак бўлади.

Қарор билан жўжанинг тухумдан чиқиб, тайёр маҳсулот сифатида истеъмолчига етиб бориш жараёнларини ўзида мужассамлаштирган паррандачилик кластерларини ташкил этиш кўзда тутилган. 2019 йилда уларнинг 13 тасини ишга тушириш режалаштирилган. Шунингдек, паррандаларни сўйиш ва бўлаклашга ихтисослаштирилган 21 цех, 17 та паррандачилик маҳсулотлари ва чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда 9 та озуқа компонентларини ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топширишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Соҳа сердаромад бўлишида паррандаларнинг соғлом парвариши ҳам муҳим. Бугун ньюкасл, бронхит, ринит ва грипп каби бир нечта юқумли парранда касалликлари кенг тарқалганки, уларнинг оқибатида йилига 2-3 миллион бош парранда йўқотиляпти. Буни пулга чақадиган бўлсак, 10 — 15 миллиард сўм дегани. Шу боис ҳужжат асосида барча парранда хўжаликларига хизмат кўрсатувчи замонавий илмий-диагностика лаборатория маркази ҳам ташкил этиладиган бўлди.

— Парранда касалликларини аниқлаш, олдини олиш ва уларга қарши курашиш марказнинг асосий вазифаси этиб белгиланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи Баҳриддин Раҳмонов. — Бу ерда паррандачилик маҳсулотларининг биологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш, паррандаларни боқиш, уларга берилаётган озуқа базасининг таркиби ҳамда сифати ҳам мониторинг қилинади.

Экспортбоп маҳсулот тайёрлаш учун уни жаҳон, хусусан, "HACCP", "ISO", "Halal" каби стандартларига мослаштириш талаб этилади. Шундагина қўшни давлатлар ва бугун гўшт маҳсулотларига катта эҳтиёж сезилаётган Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдони йўлга қўйишимиз мумкин. Қарорга мувофиқ, соҳага ана шундай халқаро стандартларни қўллаш орқали келгуси йилда 37 миллион АҚШ долларилик парранда маҳсулотини экспорт қилиш кўзда тутилган.

Бундай юқори натижаларга эришиш учун бир қанча имтиёз ва қулайликлар жорий этилади. Жумладан, 2021 йилнинг 1 ноябрига қадар наслли товуқ ва барча турдаги технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш, парранда етиштиришни ташкил этиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, инкубация цехларини очиш, четдан келтириладиган парранда озуқаси ҳамда озуқа қўшимчалари, ветеринария препаратлари ва бошқалар божхона тўловларидан озод этилади.

Амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг барчаси юртимизда паррандачиликни йирик ишлаб чиқариш тармоғига айлантиришга туртки беради.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**



# ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЮКСАК МАҚСАДЛАР САРИ БИРЛАШТИРГАН МУҚАДДАС ТИМСОЛ

1 ➡

Спортчиларимиз ва миллий терма жамоаларимиз майдонга тушганда, ғалаба онларида эса байроғимизни боши узра баланд кўтариб, давра айланганда дилда яна ўша ҳаяжонли туйғулар жўш уради.

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун севимли майдонга айланган "Халқлар дўстлиги" саройи ҳудудида ҳам баландлиги 65 метр бўлган маҳобатли байроқ ўрнатилгани ҳам бежиз эмас. У доимо гавжум ушбу майдонда мағрур ҳилпираб, юртимиздаги тинчлик-тотувликдан, мамлакатимиз мустақиллиги, фуқаролар озод, ҳур яшаётгани, осмонимиз мусаффолигидан далолат бериб турибди.

Байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, мамлакатимизнинг чет эллардаги элчихоналари, халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналари бинолари пештоқида, жаҳоннинг юксак минбарларида доимо сарбаландлиги давлатимиз суверенитетига, халқимиз озодлигига бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Туғимиздаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар юртимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этади.

...Ер юзида миллат ва элатлар, халқлар ва давлатлар кўп. Ҳаммаси ўз байроғига эга ва уни қадрлайди. Лекин дунёда Ўзбекистон битта. Унинг байроғи ҳам ягона. Биз ана шу байроқ остида улуғ мақсадлар — ёруғ келажак сари бормоқдамиз.

Бизни ягона мамлакат, бир халқ сифатида бирлаштириб турган бундай рамзлар ҳамиша азиз ва мукаррамдир.

**Дилшод КАРИМОВ.**

# ИНТЕГРАЦИЯ, ИННОВАЦИЯ, ТАРАҚҚИЁТ

*Давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим ва илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш, уни том маънода ривожланган мамлакатлардаги каби илғор стандартлар даражасига олиб чиқишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.*

*Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Президентимиз томонидан қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди, соҳа вакиллари билан бир неча учрашув ва йиғилишлар ўтказилди.*

*Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида корхоналар буюртмасига асосан амалий ва инновацион илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширадиган таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари юридик шахслардан олинадиган даромад солиғидан, ягона солиқ тўловидан, мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий тўлов ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди. Институт ва университетларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлигини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини юксалтириш, иқтидорли талаба-ёшларни тадқиқот ишларига кенг жалб этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.*



## Таҳлил ва таклиф

Шунга қарамай, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни тўла ҳаётга татбиқ этишга эришганимизча йўқ. Тизимда бажаришимиз лозим бўлган ишлар, ҳали ечимини кутаётган масалалар кўп. Жумладан, олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси талаб даражасида эмас. Илмий изланишлар иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан олиб борилаётир.

Бу каби масалаларни самарали ҳал қилиш учун комплекслар таркибидаги вазирлик ва идораларга қарашли тармоқлар (соҳалар)ни илмий-техник ривожлантириш масалаларига бағишланган мавзулар базасини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Корхона ва ташкилотлар мавжуд муаммоларни ечиш мақсадида олий таълим муассасалари билан хўжалик шартномалари тузиши, ёш олимлар ва тадқиқотчилар, докторантлар ушбу масалаларга бағишланган диссертация мавзулари устида ишлаши, шунингдек, тажриба-синовлар ўтказиши талаб этилади.

Олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар устида фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланиши, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ташаббус кўрсатишлари муҳим.

Бугунги кунда институт ва университетларда олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришга янада қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ҳар қачонгидан-да долзарб. Бинобарин, талабга қараб таклиф ривожланади, моддий манфаатдорлик янгидан-янги изланишларга йўл очади. Шу маънода, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, хусусий сектор вакиллари эътиборини илмий тадқиқотлар натижаларига қаратиш бўйича қиладиган ишларимиз талайгина.

Жаҳон тажрибасида илмий тадқиқотлар ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳаётни енгиллаштириш, табиат ҳодисалари, атроф-муҳит ўзгаришларини осон англаб етишга хизмат қилиб келган. Машҳур иқтисодий моделлар, макро ва микроиқтисодий қонуниятларнинг барчаси илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида яратилган, кашф қилинган.

Иқтисодий адабиётларда ўзининг машҳурлиги билан доимий равишда ўрганиб келинадиган Кобба Дуглас модели ҳам илмий изланувчи ва ишлаб чиқариш вакили томонидан ҳамкорликда яратилган. Шу билан бирга, кўплаб жиддий тадқиқотлар ва аҳамияти юқори бўлган илмий мақолалар бугунги кунда ҳаммуаллифликда олиб борилган изланишлар туфайли ҳаётимиздан муҳим ўрин топяпти, иқтисодчи олимлар томонидан эътироф этилмоқда.

Жаҳон илм аҳли томонидан чоп этиладиган нуфузли илмий-техник маълумотлар базаси бўлмиш "Scopus", "Science Direct", "Web of Science" таркибидан жой олган илмий журналларда машҳур олимлар, иқтисодиёт йўналишидаги Нобель мукофотлари лауреатлари томонидан ёзилган мақолалар, қолаверса, энг кўп ўқилган, энг кўп иқтибос ва ҳаволалар берилган мақолаларнинг аксарияти ҳам олим ва амалиётчи-мутахассислар бирикуви натижасида тайёрланган. Халқаро иқтисодий-молиявий ташкилотлар томонидан иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги халқаро индекслар кўрсаткичларини ҳисоблашда ҳам олимлар билан бирга етакчи амалиётчи-мутахассислар билими ҳамда амалий кўникмасидан фойдаланилади.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш соҳасида, яъни амалиётда катта илмий-амалий салоҳиятнинг яширин ётганлигини кўришимиз мумкин. Улар томонидан илм-фан дунёсига ошкор қилинмайдиган, илмий журналларда мақола сифатида чоп этилмайдиган иқтисодий ютуқлар, ишланмалар яратилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда илм-фан амалиётга қараганда бир қадам олдинда юради. Ишлаб чиқаришни равнақ топтириш, иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, комплекс қарорлар чиқаришда илмий асосланган далил ва таҳлилларга таянилади.

Мамлакатимизда ҳам тадқиқотлар фақат қоғозда қолиб кетмаслиги, улар ишлаб чиқаришга жорий этилиши керак. Бунинг учун олий таълим ва илмий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган изланувчилар билан реал сектор корхоналарида меҳнат қилаётган амалиётчи-мутахассисларнинг ҳамкорлигини кучайтириш зарур. Ўз навбатида, инновацион-корпоратив ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш, илмий изланувчилар билан амалиётчи-мутахассисларни умумий муаммо доирасида бирлаштириш, ҳамкорликда илмий мақолалар ёзиш, илмий ишларни тайёрлаш якка муаллифликда бажариладиган ишлардан кўра ҳам мазмун, ҳам сифат жиҳатидан самаралидир. Бунинг натижасида далилларнинг ишончлилиги, ишлаб чиқилган илмий янгиликларнинг амалиётга татбиқ этилиши янада тезлашади.

Демак, иқтисодий йўналиш бўйича тадқиқ этилаётган докторлик диссертациялари ҳимоясини ташкил этиш, унинг самарадорлигини юксалтириш, тадқиқот ишларининг умрини узайтириш учун илмий изланувчилар (олимлар) ва амалиётчи-мутахассислар билан қўшма диссертациялар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш зарур.

Амалиётчи-мутахассисларнинг олий таълим муассасалари мустақил изланувчи институтига киришини чекламаган ҳолда (қачон ва қай тартибда қабул қилиш, қабул вақтларини мустақил белгилаш ва ҳ.к.) ҳимояга чиқишига имкон яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, Бинар ҳимояларни (икки кишининг қўшма ҳимояси) ташкил этиш ҳамда ҳар бир муаллифнинг илмий муаммони қанчалик даражада тадқиқ этганлиги, ишлаб чиқилган илмий янгиликларнинг амалиётга қай даражада татбиқ этилганлиги, эришилган ижтимоий-иқтисодий самаралар бўйича ягона тақдимотни амалга ошириш, ҳимоядан муваффақиятли ўтган муаллифларга тенг кучга эга бўлган PhD дипломи берилишини таъминлаш айни муддаодир.

Зотан, тадқиқотлар натижаси ҳаётимизда бўй кўрсатсагина, илм-фан мамлакатимиз тараққиётининг ҳақиқий локомотивига айланади.

**Баходир ХОДИЕВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ректорлари кенгаши раиси.**



# ДОРИГА ҚЎШИБ ВИЖДОНИНИ СОТАЁТГАНЛАР

## ёхуд психотроп таблеткалар савдосига оид хуфиёна жиноятлар фош этилди

*Гиёҳвандлик, психотроп моддалар... Бу сўзлар қулоққа чалиниши билан киши бир сесканиши табиий. Боиси унинг нафақат истеъмоли, балки мамлакатимиз ҳудудига кириб келишининг ўзиёқ инсонлар ҳаёти ва жамиятимиз равнақига катта хавф туғдириши мумкин. Шу боис юртимизда психотроп ҳамда кучли таъсир қилувчи препаратларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш мунтазамлик касб этган.*

## Огоҳлик

Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, орамизда ушбу турдаги маҳсулотлар савдоси билан хуфиёна шуғулланишга ҳаракат қилаётган фуқаролар ҳам йўқ эмас. Ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бундай кимсаларнинг қинғир ишлари ҳеч қачон узоққа бормайди. Бу борадаги жиноятларнинг олдини олишда адлия органлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Гап шундаки, Чилонзор тумани адлия бўлими ходимлари томонидан ҳудуднинг 16-мавзесида фаолият юритадиган тадбиркорлар билан суҳбат уюштирилди. Унда қонунчилигимизга зид равишда "Трамадол" ва бошқа шунга ўхшаш психофаол препаратлар олди-сотдиси билан шуғулланаётган уддабурон "тадбиркорлар" ҳақида маълум қилинди. Шундан сўнг суҳбат чоғида берилган далиллар белгиланган тартибда ўрганилиб, тезкор тадбирлар ўтказилиши натижасида ҳуқуқбузарлар фаолиятига чек қўйилди.

— Бизнес вакиллари ўзлари юритаётган дўконлари яқинида ёшлари тахминан 25 — 35 ёшдаги шубҳали фуқаролар "Трамадол" сингари психотроп гиёҳванд дори воситаларининг ноқонуний савдоси билан, асосан, кечки 18:00 — 22:00 ларда шуғулланишини маълум қилишди, — дейди Чилонзор тумани адлия бўлими бошлиғи Жўрабек Махсудов. — Тегишли ҳуқуқ органлари ҳамкорлигида ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам, шундай бўлиб чиқди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан, 28 нафар фуқарога нисбатан жазо чоралари кўрилди.

Бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот идоралари тақиқланган психотроп воситалар савдосига барҳам бериш борасида тегишли чора-тадбирларни кўрмоқда. Натижада қисқа муддат ичида "Трамадол", "Лирика", "Баклосан" каби препаратлар ва бошқа дори воситаларини мамлакатимизга контрабанда йўли билан, божхона ҳамда чегара қоидаларини бузган ҳолда, қўшни республикалардан олиб кираётган 150 дан зиёд шахслар қўлга олиниб, ноқонуний фаолиятига нуқта қўйилган.

Дарвоқе, юқорида номлари келтирилган препаратнинг салбий таъсири хусусида икки оғиз сўз. Мутахассислар хулосасига кўра, "Трамадол" сингари препаратлар гиёҳвандлик моддаларининг синтетик аналоги ҳисобланади. Унинг истеъмоли инсоннинг марказий асаб тизими ва ички органларининг жиддий шикастланишига ҳамда ногирон фарзандлар туғилишига сабаб бўлади. Психотроп таблеткалар таъсири остида оғир жиноятлар содир этилмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.

Демак, бу ҳар бир фуқародан ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, айниқса, шубҳали ва ноқонуний хатти-ҳаракатларга нисбатан ҳушёрликни янада оширишни талаб этади. Зеро, огоҳлик юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз, қолаверса, ёшларимиз хавфсизлигини таъминловчи энг муҳим воситадир.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

**ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ**

**оммавий савдоларга таклиф этади.**

***ТИФ Миллий банк қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖнинг 2018 йил 13 ноябрдаги 1467-сонли буюртманомасига асосан:***

1. Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги «Оқтепа деҳқон бозори» 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 7000,0 кв.м., қурилиш майдони 6913,0 кв.м., 5 та литердан иборат.
   - **Бошланғич баҳоси — 2 242 071 000 сўм.**
2. Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги «Арнасой деҳқон бозори» 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 5600,0 кв.м., қурилиш майдони 995,9 кв.м., 3 та литердан иборат.
   - **Бошланғич баҳоси — 416 940 000 сўм.**
3. Фарғона вилояти, Қувасой шаҳридаги «Қувасой деҳқон бозори» 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 4870,0 кв.м., қурилиш майдони 700,9 кв.м., 5 та литердан иборат.
   - **Бошланғич баҳоси — 1 270 537 000 сўм.**
4. Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги «Зарбдор деҳқон бозори» 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 5600,0 кв.м., қурилиш майдони 991,4 кв.м., 4 та литердан иборат.
   - **Бошланғич баҳоси — 2 443 079 000 сўм.**
5. Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги «Зафар деҳқон бозори» 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 5600,0 кв.м., қурилиш майдони 899,3 кв.м., 4 та литердан иборат.
   - **Бошланғич баҳоси — 1 827 170 000 сўм.**
6. Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги «Ховос деҳқон бозори» 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 5600,0 кв.м., қурилиш майдони 892,0 кв.м., 9 та литердан иборат.
   - **Бошланғич баҳоси — 1 962 303 000 сўм.**

Савдога чиқарилган мазкур мулкни сотиб олиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорларнинг таклифлари 2018 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Талабгорлар таклифи маъқул топилмаган ва таклифлар сони етарли бўлмаган тақдирда, 2018 йилнинг 3 ва 10 декабрь кунларида ҳам таклифлар кўриб чиқилишини олдиндан маълум қиламиз. Таклифларни қабул қилиш белгиланган саналардан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар ёпиқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
— жисмоний шахслар учун СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш ва мулкнинг сотилиш баҳосидан 15% миқдоридаги суммани тўлаш мажбурияти юклатилади. Қолган 85%дан иборат сумма олди-сотди шартномаси имзоланган кундан 3 ой ичида тўланиши лозим.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиалидаги 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 ҳ/р.га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

*Хизматлар лицензияланган.*

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефонлар: 71-233-83-27, 71-228-80-27. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz , kmsxuz@mail.ru. почта: kmsxuz@inbox.uz , kmsxuz@mail.ru.**

**ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ**

**оммавий савдоларга таклиф этади.**

Савдоларга ТИФ Миллий банк қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖнинг 12 ноябрь 2018 йилдаги 1466-сонли буюртманомасига асосан, Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги «Шеробод деҳқон бозори» 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Умумий майдони 12100,0 кв.м., қурилиш майдони 2047,4 кв.м., 5 та корпусдан иборат.

- **Бошланғич баҳоси — 4 200 258 000 сўм.**

Савдога чиқарилган мазкур мулкни сотиб олиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорларнинг таклифлари 2018 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Талабгорлар таклифи маъқул топилмаган ва таклифлар сони етарли бўлмаган тақдирда, 2018 йилнинг 3 ва 10 декабрь кунларида ҳам таклифлар кўриб чиқилишини олдиндан маълум қиламиз. Таклифларни қабул қилиш белгиланган саналардан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар ёпиқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
— жисмоний шахслар учун СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш ва мулкнинг сотилиш баҳосидан 15% миқдоридаги суммани тўлаш мажбурияти юклатилади. Қолган 85%дан иборат сумма олди-сотди шартномаси имзоланган кундан 3 ой ичида тўланиши лозим.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «DAVR BANK» ХАТБ Олмазор филиалидаги 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 ҳ/р.га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

*Хизматлар лицензияланган.*

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 71-233-83-27, 71-228-80-27. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz , kmsxuz@mail.ru.**

***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги

**«Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги**

Фармонига асосан, давлат мулки объектлари 1 сўм бошланғич қийматида инвестиция киритиш шарти билан «E-ijro auksion» электрон савдо ташкилотининг савдо майдончалари аукцион савдоларига чиқарила бошланди.

Бугунги кунга қадар 274 та давлат мулки объектлари ушбу савдога чиқарилган бўлиб, объектларни савдога чиқарилганига кўп вақт бўлмаса-да савдоларда 84 та объект ўз эгаларига сотилди.

Бундай имкониятдан унумли фойдаланиб қолинг.

Объектларнинг бошланғич нархи 1 сўм қийматида аукцион савдолари орқали инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажариш шарти билан сотиб олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятингизни қисқа муддатда йўлга қўйиш имкониятидан фойдаланинг.

Бугунги кунда Тошкент шаҳридан ташқари барча ҳудудда жойлашган бўш турган давлат мулки объектлари ушбу «E-ijro auksion» электрон савдо ташкилотининг савдо майдончалари аукцион савдоларига чиқарилган.

Аукцион тўғрисидаги барча маълумотни интернетдаги e-auksion.uz сайтидан олишингиз мумкин.

**Шошилинг. Харид қилинг. Тадбиркорликни ривожлантиринг ва мулкдор бўлинг.**

# ПОМИДОР

# НЕГА КАМЁБ МАҲСУЛОТГА АЙЛАНИБ БОРЯПТИ?

***Ҳозирги кунда очиқ дала учун помидорнинг 50 та нав ва дурагайи районлаштирилган бўлса, шулардан 30 таси чет эл дурагайлари ҳисобланади. Маҳаллий навлар камайиб кетишига сабаб нима?***

*Юртдошларимиз якунланаётган қишлоқ хўжалиги мавсумида помидор камлиги, боз устига, нархининг қимматлигидан ҳайрон қолишди. Бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жорий йилнинг III чорагида иқтисодиётдаги инфляцион кутилмалар бўйича ўтказилган сўровлар натижаларида ҳам ўз ифодасини топди.*

*Гап шундаки, сўровда иштирок этган жисмоний шахслар "Қайси асосий товар ва хизматларнинг нархи юқори даражада ошди?" деган саволга жавобан, биринчи навбатда, помидорни, сўнгра мол ва қўй гўшти, шунингдек, гуручни кўрсатишган.*

*Сабзавотлар қишга ғамланадиган, консерва қилинадиган пишиқчилик мавсумида унинг баҳоси ошиб кетгани, ҳақиқатан ҳам, кишини ажаблантиради. Ўша пайтда Тошкентдаги деҳқон бозорларида помидорнинг килограмми ўртача 7-8 минг сўмдан сотилди.*

## Долзарб мавзу

Мавсум охирлай бошлагач, ички бозор ушбу маҳсулот билан нисбатан тўйиниб, нарх барқарорлашди. Аммо истеъмолчиларнинг айтишича, расталарни тўлдирган помидорлар иссиқхонаники. Бу усулда етиштирилган ноз-неъматларни йил давомида топиш мумкин. Улар эътирози очиқ далада, етарли фойдали ҳароратни олган помидор ёз-куз фаслларида ҳам сероб бўлмагани, сифати ҳаминқадар, баҳоси эса чўнтакбоп эмаслиги билан боғлиқ.

— Қанийди, фалон пулга сотиб олган помидорни иштаҳа билан есак, — дейди пойтахтлик Муаззам Қўчқорова. — Ишонсангиз, маҳсулотингизнинг тенг ярми ахлатга чиқади. Ҳайрон қоламан, қип-қизил, бус-бутун помидорни кессангиз, ўртаси қорайиб чириб кетган бўлади ёки ичи тўла қаттиқ ўзак, пўсти қалинлашиб кетган. Баъзиларининг сирти пишган бўлсаям, ичи яшил. Сўрасам, чет элликлар шунақа "сорти"га ишқибоз эмиш... Пўсти худди плёнкага ўхшайди-я?!

Ёшлигимизда еган помидор навлари йўқолиб кетдимикан-а?

Хўш, помидор тақчиллигининг сабаби нимада? Биз мавжуд вазиятни ўрганиб, ушбу саволга жавоб топишга уриниб кўрдик.

### Қилинган меҳнат ва харажат ҳавога учмоқда

Таҳлилларга қараганда, помидор сабзавот экинлари ичида етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу турдаги зироат экиладиган майдонларнинг деярли 42 фоизи, етиштириладиган ялпи маҳсулотнинг 39-40 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Ялпи ҳосилининг 70 фоизи қайта ишланса, 10 — 15 фоизи янгилигича истеъмол қилинади. Қолган қисми эса экспортга чиқарилади.

Бироқ ҳақиқат шуки, етиштирилаётган маҳсулот ҳажми аҳоли ҳамда қайта ишлаш корхоналарининг хом ашёга бўлган реал талабларини тўлиқ қондира олмаяпти. Илгари ҳовлисида бир парча томорқаси бор одам, оиласи эҳтиёжига яраша бу маҳсулотни ўзи етиштирган, ортганини қўни-қўшниларга улашган бўлса, эндиликда тўрхалтасини кўтариб, бозорга тушмоқда.

— Кейинги йилларда томорқамизга помидор экмай қўйдик, — дейди Оққўрғон туманидаги Қаҳрамон қишлоғилик Илҳом Ҳотамов. — Бу экиннинг касалликка тез чалинувчан бўлиб қолганлиги ҳафсаламизни пир қилмоқда. Чунки ниҳоллар гулга киргунга қадар баравж ривожланиб, бир-икки ҳосил нишоналари кўрсатгач, қурт тушиб, палаги қовжираб қолмоқда. Ачинарлиси, маҳаллий мутахассислар тавсия этаётган дори воситалари ҳам натижа бермаяпти. Оқибатда меҳнатимиз, қилган харажатимизга куйиб қолмоқдамиз. Шунинг учун кўпчилик помидор ўрнига бошқа экинлар экишни афзал кўришяпти.

Статистика маълумотлари ҳам буни тасдиқлайди. Масалан, 2016 йилда республикамизда барча тоифадаги хўжаликларда жами 64,4 минг гектарга помидор экилиб, гектаридан 279 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган бўлса, ўтган йили 60,5 минг гектарга ушбу экин жойлаштирилди. Ҳосилдорлик эса 264,6 центнерни ташкил этди.

2018 йил якуни бўйича кўрсаткичлар янада пасайиши мумкин. Чунки Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг айтишича, фермер хўжаликлари томонидан асосий майдонларда 20 минг гектарда, такрорий экин сифатида режалаштирилганидан 1,6 минг гектар кам, яъни 4,8 минг гектарда помидор парваришланди. Чунки сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда ушбу зироат экилмади.

Тўғри, бунга аҳоли томорқалари ҳамда деҳқон хўжаликларидаги пайкалларни қўшсак, рақамлар бирмунча ортади. Лекин ялпи ҳосил аввалги йиллардагига қиёсланганда, кам бўлиши аниқ.

Деҳқонлар билан суҳбатлашсангиз, фиғони фалакка ўрлайди. Уларнинг ёзғиришича, помидор иссиқхона экинига айланиб қолмоқда. Иссиқхона хўжалигини юритаётган тадбиркорларнинг фикри эса бундан бошқачароқ.

— Эсимни таниганимдан буён 21 сотихлик иссиқхонамизда помидор етиштирамиз, — дейди қибрайлик хусусий тадбиркор Дониёр Юсупов. — Лекин ҳосил олиш йилдан-йилга қийин бўлмоқда. Чунки асосий вақтимиз экинни парваришлаш, озиқлантиришга эмас, балки унинг касалликларига қарши курашиш билан ўтяпти. Агар помидор ўртача уч ойда пишиб етилса, бу давр ичида олти марта ниҳолларнинг илдиз тизими касалликларига қарши ишлов берилади. Ҳафтасига бир марта шира, оқпашшага қарши дориланади. Бундан ташқари, икки ҳафтада бир марта, деҳқонлар тили билан айтганда, "рассом" ҳашаротига, ҳар 10 кунда вирусли касалликларга қарши дори сепмасак бўлмайди. Дориларнинг деярли ҳаммаси четдан келтирилгани учун жуда қиммат.

Булар майлику-я, кейинги пайтда помидор куяси деган офат пайдо бўлганки, унга ёпиқ шароитда ҳам бас келиш қийин бўлмоқда. Энди очиқ даладаги экин тақдирини ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

Чиндан ҳам, охирги икки йилда республикамизнинг деярли барча ҳудудида мазкур сабзавот турининг барори йўқ. Деҳқон ва фермерлар билан гаплашсангиз, ундан ҳосил олиш тугул, экинни асраб қолишнинг имкони бўлмаётганини ёзғиришади. Катта маблағ эвазига харид қилинаётган кимёвий дориларнинг самараси паст. Вазият шундай давом этса, помидор яқин йиллар ичида энг танқис неъматлардан бирига айланиб қолиши эҳтимоли йўқ эмас.

Шундай экан, нима қилмоқ керак? Муаммонинг илдизи қаерга бориб тақалади?

**Республикамизда помидор экилган майдонлар**

| | |
|---|---|
| **2016 йилда** | барча тоифадаги хўжаликларда жами **64 400** гектарга экилиб, ҳар гектаридан **279 центнердан** ҳосил йиғиштириб олинган. |
| **2017 йилда** | **60 500** гектарга ушбу экин жойлаштирилди. Ҳосилдорлик эса **264,6 центнерни** ташкил этди. |
| **2018 йилда** | фермер хўжаликлари томонидан асосий майдонларда **20 000** гектарда, такрорий экин сифатида **4 800** гектарда помидор парваришланди. Чунки сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда ушбу зироат экилмади. |

### Куянинг уйи куйсин

Аслида, серҳосиллиги бўйича помидорга тенг келадиган сабзавот йўқ. Юртимиз тупроқ-иқлим шароитида гектаридан ўртача 30 — 35 тонна ҳосил олиш мумкин. Унда экин ривожи, ҳосилдорлигига нима таъсир қиляпти?

— Бунинг кўпгина омиллари бор, масалан, ер тўғри танланмаса ҳам экин ривожи суст, ҳосили кам бўлади, — дейди Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими Бахтиёр Каримов. — Шу боис уни бир майдонда кетма-кет икки йилдан ортиқ ҳамда шу пайкалга уч йил оралатмай қайта экиш, шунингдек, картошкадан кейин етиштириш тавсия этилмайди.

Аммо мамлакатимиз сабзавотчилиги, хусусан, помидор экини билан боғлиқ муаммони деҳқончилик маданияти ёки вирусли, замбуруғли касалликлар эмас, зараркунандалар келтириб чиқармоқда. Яъни четдан кириб келган помидор куяси мазкур сабзавот кушандасига айланди. У йилда 13 марта насл қолдириб, жуда тез кўпаяди. Бу ҳашаротга қарши 12 ой давомида курашилаётган бўлса-да, натижаси кам. Қўлланилаётган дори воситалари эса қиммат. У ҳам ҳар 5 — 10 кун оралатиб сепилса, самара беряпти холос. Деҳқонларнинг аксариятида куяни бартараф этишга ҳафсаласи ҳам, маблағи ҳам етмаяпти. Муаммонинг асл илдизи мана шунда!

Тажрибали деҳқонларнинг сўзларига қараганда, помидор куяси илгари юртимизда учрамаган. Улар хориж уруғлари билан кириб келган, деган тахминда. Ахир аввал фақат маҳаллий навлар экиларди-да!

Ҳозирги кунда очиқ дала учун помидорнинг 50 та нав ва дурагайи районлаштирилган бўлса, шулардан 30 таси чет эл дурагайлари ҳисобланади. Асосий майдонларда ҳам хориждан олиб келинаётган дурагайлар жойлаштирилаётганини кузатиб, бу гапларда жон бормикан, деб ўйлаб қоласан, киши.

Ростдан ҳам помидор куяси уруғлик орқали кириб келганми?

Масалага ойдинлик киритиш учун фитосанитар хавфсизликни таъминлаш, зарарли организмларнинг Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга масъул бўлган Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси мутасаддиларига мурожаат қилдик.

— Помидор куяси касаллик эмас, зараркунанда, — дейди инспекция бошлиғи ўринбосари Боқижон Муродов. — Соҳа мутахассислари яхши билишади уруғлик орқали касалликлар ўтиши мумкин, ҳашаротлар эмас. Қолаверса, экспортчи давлатлар ҳамкорлар ишончини оқлаш учун энг сифатли, касалликларга қарши дориланган уруғлик жўнатишади. Шунинг учун помидор кушандаси юртимизга қўл юки, картон қутилар орқали кириб келган, деган қарашлар ҳақиқатга яқинроқ. Аҳоли орасида бу зараркунанда кимёвий дорилар бизнеси билан шуғулланувчилар томонидан киритилган, қабилидаги гап-сўзлар ҳам юради. Лекин бу фаразлар ўз исботини топгани йўқ.



**Помидор куяси Ўзбекистонда илк бор 2015 йилда иссиқхоналарда, 2016 йилдан эса очиқ майдонларда пайдо бўлган. Ушбу зараркунанда айниқса, жорий йилда Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида деҳқонларга катта зарар етказди.**

### «Олтин олма» ейиш ҳам осонмас

Помидор куяси ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинггина эмас, бутун дунё деҳқонларининг оғриқли муаммосига айланган. Дастлаб у 1980 йилда мазкур сабзавот ватани бўлган Жанубий Америкада аниқланган. Кейинчалик эса Европа ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалиб, катта зарар келтира бошлаган. Бу офат 2010 йилнинг кузидан Россияда, 2011 йилда Қозоғистонда бўй кўрсатган бўлса, Ўзбекистонда илк бор 2015 йилда иссиқхоналарда дуч келинди. 2016 йилдан эса очиқ майдонларга кўчган. Жорий йилда ундан, айниқса, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари деҳқонлари катта зарар кўрди.

Табиий савол туғилади. Деҳқонларни ўйлантираётган масалага қачон ечим топилади? Кўнгилдагидек ҳосил олинмаётганининг асосий сабаби турли касаллик ва зараркундалар таъсири экан, демак, бу ўсимликлар ҳимоясига масъул идораларнинг фаолиятида камчиликлар борлигини ҳам англатмайдими? Наҳот, соҳа мутасаддилари бунга қарши кураш чораларини олиб боришмаётган бўлсалар? Бу йил ўтди. Кейинги мавсум-чи?

Бу ерда гап муаммонинг қандай пайдо бўлганида эмас, балки уни бартараф этиш ҳақида кетмоқда. Негаки, бундан икки аср илгари ҳеч ким емаган ушбу маҳсулот аллақачон аҳоли сархил ҳолида севиб истеъмол қилинадиган сабзавотга айланган. Усиз эндиликда дунё ошхоналари таомларини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки помидор мевасида органик кислоталар кўплиги учун иштаҳа очиб, организмда овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради. Ошқозон-ичак тизимидаги касаллик қўзғатувчи микрофлора таъсирини сусайтиради. Таркибида пуринлар кам бўлганлиги туфайли атеросклероз касаллигининг олдини оладиган муҳим парҳез маҳсулоти ҳисобланади. Юртдошларимиз ана шундай шифобахш экин истиқболидан хавотирдалар.

Помидор куяси таъсирини камайтириш учун тизимли тадбирлар олиб борилмоғи керак. Буни аҳоли ўз томорқасида рисоладагидек бажариши амримаҳол. Халқимиз бежиз "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин", демаган-да. Шунинг учун, аввало, ўсимликларни ҳимоя қилиш, кимёвий дорилар ва препаратлар етказиб берувчи тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш, дори воситалари нархининг барқарорлигини таъминлаш зарур. Йўқса, помидор экилган пайкаллар зараркунандалар ўчоғига айланиб қолиши турган гап.

Аслини олганда, миришкор халқимиз учун кўп нарса керак эмас. Улар ер илмининг ҳадисини олган. Фақат мутасаддилар халқ ичида юриб, зарур пайтда керакли тавсия, йўл-йўриқ кўрсатиб туришса, кифоя. Токи, улар хорижнинг усти ялтироқ уруғликларига маҳлиё бўлиб, самарасиз дори воситаларини харид қилиб, алданиб қолмасин. Бундан наинки уларнинг ўзлари, балки олтинга тенг бўлган суғориладиган ерда битадиган ноз-неъматларга кўз тикиб турган халқимиз жабр кўришини бир зум бўлса-да, ёдимиздан кўтармаслигимиз керак.

Ушбу масала ечими юзасидан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида мутасадди ташкилотлар ўз муносабатларини билдирадилар деган умиддамиз. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан кейинги пайтда пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани бу масаланинг нечоғли долзарблигини кўрсатиб турибди. Ўзингиз ўйланг, бугун 30 дан ортиқ туманлар қишлоқ хўжалигининг ушбу тармоғига ихтисослаштирилган. Ушбу ҳудудларда одамлар кўпроқ даромад топсин, етиштирган маҳсулотини экспорт қилиб, иқтисодиётимизга кўпроқ фойда келтирсин, дея ажратиладиган минг-минглаб экин майдонларида мўлжалдаги ҳосил битмаса кимга зиён? Ахир "помидор ажали" макон қурган давлатларда ҳам унга қарши курашиб, баракали ҳосил олинаётгани, ички эҳтиёж тўлиқ таъминланиб, қайта ишланаётгани, экспортга чиқарилаётгани айни ҳақиқат-ку?!

Дарвоқе, "помидор" сўзи итальян тилидан ўгирилганда, "олтин олма" маъносини англатади. Ниятимиз сабзавотчилик тармоғининг мазкур йўналиши ривожланиб, деҳқонларимизнинг олтиндек қадрли, муҳим даромад манбаларидан бирига айлансин. Биз эса мавзуга яна қайтамиз.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)**

*2018/2019 ўқув йили учун қуйидаги кафедраларнинг вакант жойларига танлов эълон қилади.*

**Гидравлика ва гидроинформатика кафедраси** — доцент;
**Гидрология ва гидрогеология кафедраси** — доцент;
**Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси** — катта ўқитувчи;
**Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси** — профессор;
**Назарий ва қурилиш механикаси** — доцент;
**Тракторлар ва автомобиллар кафедраси** — доцент;
**Гидромелиоратив ишларини механизациялаш кафедраси** — ассистент;
**Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари кафедраси** — кафедра мудири;
**Технологик жараён ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси** — ассистент;
**Электротехника ва мехатроника кафедраси** — доцент;
**Давлат кадастрлари кафедраси** — доцент;
**Иқтисодиёт кафедраси** — доцент;
**Гуманитар фанлар кафедраси** — профессор, ассистент;
**Инглиз тили кафедраси** — ўқитувчи;
**Физика ва кимё кафедраси** — кафедра мудири.

**ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРИЛИШИ ЛОЗИМ:**

- Ариза (ректор номига);
- Шахсий варақа (сўровнома);
- 2 дона 3х4 ўлчамдаги фотосурат;
- Илмий ва услубий ишлар рўйхати (иш жойидан тасдиқланган шаклда);
- Дипломлардан нусхалар;
- Малака оширганлиги тўғрисида сертификат нусхалари (охирги 5 йиллик);
- Паспорт нусхаси.

**Аризалар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.**

*Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уйда жойлашган ТИҚХММИнинг «Ходимлар бўлими»га мурожаат қилишлари мумкин.*

**Маълумот учун телефонлар: 71-237-19-49, 71-237-09-85.**



ЭЪЛОНЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги*

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

***кафедралардаги қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:***

**Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси бўйича:** доцент — 1, ассистент — 1.
**Органик ва биологик кимё кафедраси бўйича:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
**Дори воситалари саноат технологияси кафедраси бўйича:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 1.
**Дори воситаларини стандартлаш ва сифат менежменти кафедраси:** доцент — 1, ассистент — 1.
**Фармакогнозия ва дори воситаларини стандартлаш кафедраси:** доцент — 1.
**Аналитик кимё кафедраси бўйича:** ассистент — 1.
**Токсикологик кимё кафедраси бўйича:** ассистент — 1.
**Тиллар кафедраси бўйича:** ўқитувчи — 1.
**Ижтимоий фанлар кафедраси бўйича:** ўқитувчи — 1.

*Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарорига мувофиқ «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилади.*

***Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.**
**Телефонлар: 71-256-37-38, 71-256-38-50.**



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.00 2 3 4 5 6